

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 20 август, № 161 (5835)

Сешанба

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ "Навоийпахтасаноат" худудий акциядорлик бирлашмаси ташаббуси билан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Zarafshon ip yigiruv" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Имконият кенгайди

Хозирги кунда бу ерда 45 нафар малакали ишчи-мутахассис томонидан кунига ярим тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда.

— Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. — дейди корхона раҳбари Абдузоҳид Холиқов. — Жорий йилнинг ўтган даврида корхонамизда 36 тонна маҳсулот тайёрланди, буюртмачиларга етказиб берилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Норин туманидаги Чўжа қишлоғида "Фаррухбек савдо сервис" хусусий корхонаси томонидан барпо этилган маиший хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Замонавий мажмуа

— Мажмуанинг иш бошлаши биз, ёшлар учун айти мудоа бўлди, — дейди тумандаги касб-хунар коллежи битирувчиси Сарвиноз Нуриддинова. — Боиси бу ерда яратилган иш ўринларини, асосан, коллежларни тамомлаган кичик мутахассислар эгаллашди. Хусусан, ўзим компьютер хонасида севган касбим билан шуғулланиш бошладим.

кредити ҳисобидан 700 миллион сўм маблағ сарфлашиб бунёд этилган мазкур иншоотдан 200 ўринли ошхона, 400 ўринли тўй ва тантаналар зали, дорихона, новвойхона, сартарошхона, гўзаллик саломи, гўшт дўкони ва бошқа хизмат шохобчалари ўрин олган. Айти пайтда уларда 30 дан ортиқ киши меҳнат қилаётир.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Китоб туманида жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 529 миллион сўмлик сармоа эвазига 10 та озиқ-овқат, 24 та қурилиш ҳамда 3 та энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Битирувчилар учун иш ўринлари

Хусусан, "Китоб ип-йигирув" корхонасига 100 та замонавий тикув машинаси ўрнатилиб, 70 дан зиёд коллеж битирувчиларига қўшимча иш ўринлари яратилди. Бунинг учун банк кредити ҳамда корхона маблағлари ҳисобидан 285 миллион сўм сарфланиб, бундан тўғрив бироқда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Кир ювиш воситалари ва санитария ашёлари ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналаримиз ҳам катта тажрибага эга бўлиб бормоқда.

Харидорлар талабига мос

Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва харидорлиги билан ички ҳамда ташқи бозор талабларига тўла мос келмоқда.

— Технологик жараёнда кўпроқ табиий ва шифобахш экстрактлардан фойдаланишга ҳамда маҳсулотни ҳаридорларга бежирим қадоқларда етказишга ҳаракат қилаёмиз, — дейди корхона технологи Отабек Исоқбеков. — Шу билан бирга, бозор талабларидан келиб чиқиб, ювиниш ва косметика товарлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқчимиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Қўшқўр туманидаги гишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Қўшқўр силикат" масъулияти чекланган жамиятида деворбон материаллар тайёрлаш кўлами уч баробар ошди.

Изланиш самараси

Бунга корхонада амалга оширилган бир миллиард 300 миллион сўмлик модернизация ишлари натижасида эришилди. Қолаверса, лойиҳа туфайли 30 киши иш билан таъминланди.

— Самардорлик юқори бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Ботир Бекчанов. — Чунки янги технологияларимиз аввалгиларига нисбатан электр энергиясини икки баравар кам сарфлайди. Ишлаб чиқариш тўлиқ автоматлаштирилган. Қолаверса, иш унуми нихоятда юқори. Улар ёрдамида йилга 30 миллион дона силикат гишт тайёрлашни мақсад қилганмиз.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Марғилоннинг ял-ял товланувчи атласу адраслари, Олтиариқнинг сархил узуму бодриғи, Куванинг кирмизи анори, Риштоннинг қандақ ўрғигю Бувайданинг шакардан ширин анжир, қўнлиқ уста-хунармандлар ясаган бежирим маҳсулотлар... Буларнинг барчаси Фарғона вилояти ҳақидаги таъриф тавсифларга жўшқинлик бағишлайди.

Лекин худуд аҳли Юртбошимизнинг 2012 йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги сўзларини бу қўна заминга берилган энг ҳаққоний, энг муносиб баҳо, деб биладилар. Ушанда давлатимиз раҳбари "Фарғона деганда, авваламбор, "Олтин водий" деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоен бўлади", дея алоҳида таъкидлаб, бекиёс ва батақор табиатга, инсоннинг ҳавасини тортдиган мўътадил иқлимга, сўлим бог-роғлар, фақат шу заминда учрайдиган, дунёга доврўғи кетган турли ноз-неъматларга, қўна тарихга эга бўлган Фарғона вилояти ҳақида, унинг кўпни кўрган, ҳаётининг, одамнинг қадрига етадиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст, содда ва самимий инсонлари, ўз кўли билан ўзининг эртани кунини, ёруғ келажигини қураётган бағрикенг, валлават халқи ҳақида ўз қалбидаги самимий сўзларни, меҳр-муҳаббатни катта мамнуният ва хурсандчилик билан ихсдор этганди. Ана шу юксак эътироф бугун фарғоналиклар қалбидан чўқур жой эгаллаб, уларни хайрли ишлар сари руҳлантирмоқда.

Фарғона вилояти:

Олтин водий гавҳари



Янгиликлар жозибаси

2011 йилнинг 15 ноябри. Вилоят аҳли бу санани "Фарғона шаҳри мислизи янгиликларга юз тутган кун" дея эътироф этдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, айнан мазкур санада Президентимизнинг "2012 — 2015 йиллар даврига Фарғона шаҳрининг асосий режасини амалга ошириш ҳамда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфраструктурасини қайта қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон

қилинган. Мана, шундан буён қарийб икки йил вақт ўтди. Бугун Фарғонани улкан қурилишлар майдонига қиёслаш мумкин. Эътибор беринг: қарорга мувофиқ, шаҳар бош режасини амалга ошириш учун ўтган йилда бир триллион 300 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ушбу рақам замирида Фарғона шаҳрини юртимизнинг энг обод ва энг кўркам манзилларидан бирига айлантириш мақсади мужассам.

— Фарғонани "тенги йўқ гўзал" деб таърифлашди, — дейди "Файз бинокор"

қурилиш корхонаси раҳбари Эсонали Эргашев. — Лекин ҳозиргача шаҳарнинг ана шу гўзалликка монанд, мақтанса арзигулик маркази, хиббони йўқ эди. Юртбошимиз вилоятимизга ташрифи чоғида бу масаланинг ечимини ҳам донолик билан ҳал қилиб бердилар. "Ўтган асрдан буён шаҳар ҳавосини булғаб келатган ёғ-мой заводи, фуран бирикмалари, иссиқлик марказлари ўз ўрнини топганими?" деган ҳақиқ савол ўртага ташланди. Шундан сўнг улар саноат худудига

қўчирилиб, ўрнида шаҳарнинг чинакам марказини барпо этишга киришилди. Хозир 36 гектар майдонни эгаллаган ушбу хиббонда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида мухташам санъат саройи қад ростилапти. Асосий қурилиш ишлари якунланаётган, кенглиги 35, баландлиги 12 метрлик мазкур кошонанинг кириш қисми 720 квадрат метрни, минг ўринли томошабинлар зали эса 9 минг квадрат метрни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда.)

Бунёдкорлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли

Истиқлол йилларида ҳашар удуми Юртбошимиз ташаббуси билан бунёдкорлик ва ташаббускорлик, эзгулик ҳамда шижоат тимсолига, маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми сифатида умуммиллий анъанага айланди.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг августи ободонлаштириш ва тазалик ойлиги ҳамда 24-25 август — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар муважжамдир.

Шу кунларда умумхалқ хайрия ҳашарини ушқоқлик билан ўтказишга қаратилган кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувида ушбу тадбирни юқори савидада ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Айти чоғда Фонднинг худудий бўлим ҳамда бўлимчалари, юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳашарга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Икки


файзли бўлишига олиб келади.

— Ҳашардан тушган хайрия маблағлари эвазига эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётини таъмирлаш, оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандлари тўйларини ўтказишга қўллаб-қувватлаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш каби кўплаб эзгу юмушлар рўёбга чиқарилади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов. — Фуқаролар йигинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Эзгуликларга йўғрилган бундай бунёдкорлик ва хайру саховат тадбирлари энг улғунг, энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами тантаналарига улашиб кетади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«НИҲОЛ» — 2013



Истеъдод, эътибор ва рағбат

Мамлакатимизда ёшлар маънавияти ва тафаккурини юксалтириш, миллий маданиятимиз ҳамда санъатимизни изчил ривожлантириш, йигит-қизларнинг иқтидорини ва қобилиятини тўла намоен этиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилиши санъат соҳасида изланаётган ёш истеъдод соҳибларини янги ижодий парвозлар сари илҳомлантирмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла институтини такомиллаштиришнинг янги босқичи

Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида амалдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳар томонлама асосланган ва устувор вазибалардан бири сифатида белгилаб берилган эди. Ўтган даврда ушбу Қонуннинг вазибалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида амалдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

(Давоми 2-бетда.)

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

25,3 фойз ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий айланма ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

Биржа савдоларида, айтиқса, шифер, мис маҳсулотлари, рангли металл парчалари, суюлтирилган газ, кўмир, иккиламчи алюминий, ўсимлик ёғи ва пахта линтини сотиш ҳажми анча кўпайгани туфайли ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.



Санъат инсон қалбида эзгу фазилятларни камол топтиришга хизмат қилиши барчамизга маълум. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда санъат аҳлини кўллаб-қувватлаш, соҳага доир турли танлов ва фестиваллар ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда. Бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бундан ҳар икки йилда бир бор ташкил этиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг ўрни ва аҳамияти беқийс. Биласиз, мазкур нуфузли санъат фестивали бу йил тўққизинчи марта ўтказилмоқда. Шу муносабат билан айни пайтда кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқандда мусиқа байрамига қизгин тараддуд кўриляётган.

Эзгуликка чорловчи наволар

Фестивалнинг айнан Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Эеро, Самарқанд — тарихи ноёб, бугунги саодатли, келажак абадий замин. Санъат анжумани туғайли бу қадим кентга ташриф буюрувчилар Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби жаҳон тамаддунига муносиб хисса қўшган буюк аждодларимиз хоки пойи ётган муқаддас қадим-жолари зийрат қилиш имкониятига эга бўлишди. Қолаверса, кўҳна шаҳар майдонда ўз истеъдодини намойиш этиш ҳар бир хонанда, ҳар бир созанда учун улғу шараф. Шу боис 2011 йилда ўтказилган фестивал мекони — италиялик машур хонанда Аль Бано Карризи Самарқанд заминини ўйиб, бу маскани «Жаҳон маданиятининг кўзгуси», дея эътироф

этган эди. Чунки ушбу масканд кюсак маънавий рух, илҳомбахш куч ва табиий декорация бор. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра, энг улғу, энг азиз айёмимизга бағишланган тадбирлар «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori асосида бўлиб ўтади. Бу шior «Шарқ тароналари» фестивалининг гоиси билан ҳам ҳамохандир. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ўтган йигирма икки йил давомида эришган оламшумул ютуқларимиз, тинч, осуда, тўқин ва фаровон ҳаётимиз, қайта кадр топан анъанаяо қадрийатларимиз яна бир бор намойён бўлади. Айни пайтда Самарқанд янада

кўркам ва файзли қиёфа касб этган. Худуддаги истироҳат боғлари, биллур фавворалар, қадимий обидалар, кўча ва хиёбонлар байрамона безатилган. Одамлар чекрасида акс этган кувонч, бахтиёрлик бу ерга ташриф буюрувчи ҳар бир меҳмон, ҳар бир сайёҳ қалбига кўтаринкилик бахш этаятир. Дарвоқе, айни пайтда шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасасида фестивални ўтказиш бўйича маҳсус штаб фаолият юрятапти. Бу йил «Шарқ тароналари»нинг очирилиш маросимида иштирокчилар қадим Самарқанднинг мафтункор жомолани кўргандек бўлишди. Негаки, фестивал тадбирлари ўтказилган Регистон майдони саҳнаси ҳамда амфитеатр ана шунга мос равишда безатилмоқда. «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг шарҳ ва туманларда бўлиб ўтадиган тадбирлари режиси ҳам худудларга хос анъаналар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Бунга кўра,

олис ва чекка қишлоқларда яшовчи юртдошларимизнинг маҳаллий ва хорижий санъаткорлар билан учрашувларини ташкил этиш, меҳмонларни намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий маззелар, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият ва истироҳат боғлари билан таништириш кўзда тутилган. Албатта, «Шарқ тароналари» нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Масалан, 1997 йили мазкур санъат байрамига 31 мамлакат ва 2 халқаро ташкилотдан 260 нафар санъаткор ташриф буюрган бўлса, 2011 йили 53 давлат ва 3



халқаро ташкилотдан 352 нафар меҳмон фестиваль иштирокчисига айланди. Бу йилги тадбирда эса 60 дан зиёд мамлакатдан санъаткорлар қатнашиши кутилаётган. Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган халқаро илмий-амалий конференцияда дунё халқлари миллий мусиқа санъати тарихи ва анъаналарини ўрганиши, асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконига ҳам эга бўладилар.

Мухтасар айтганда, «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали озод ва обод Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти, ўзбек мусиқа санъати доврўғини яна бир бор жаҳон узра баралла тараннум этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамадӣер ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Бир гуруҳ археологлар Германиянинг Берлин шаҳри яқинида XII асрга оид қабрни топишди.

Ноёб топилма

Қазиш ишлари чоғида ушбу худуддан одамларнинг жасад қолдиқлари билан бирга, қилчлар, қимматбаҳо тошлар ва зебу зийнатлар ҳам аниқланган. Қазиниқ жиҳати, археологларнинг шаҳар атрофида изланишлар олиб боришига бўрсик қўмақлашиб юборган. Яъни у ер остидан бир нечта суякни олиб чиққан ва буни шу ердаги тадқиқотчи кўриб қолган. У маҳсус камера орқали жониворнинг хатти-ҳаракатларини обдан тасвирга туширган. Шундай қилиб, суяклар ва видеомаълумотлар профессорларнинг археологларни текширувга чорлаган.

Ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб борувчи «Cisco» компанияси ходимлар сонини беш фоизга қисқартиришни маълум қилди.

Акциялари баҳоси тушиб кетди

Бу тўрт минг киши доимий иш жойидан айрилади, дегандидир. Компания маъмурияти мазкур қарорини жаҳон иқтисодиётини қайта тикланиш жараёни жуда суст кечаётгани билан боғламоқда. «Cisco»да шаттлар жадвали бундан аввал ҳам ўзгартирилган эди. Жумладан, 2011 йилда 6500, 2012 йилда эса 1300 киши билан меҳнат шартномалари бекор қилинган. Ушундан илсохотларнинг дастлабки муассаса фаолияти қайта ташкил этилаётгани туғайли, иккинчиси эса дунё иқтисодиётида қузатилган давлатларнинг сабабли амалга оширилаётгани таъкидланганди. Компаниянинг янги қарори унинг акциялари баҳосини 9,1 фоизга тушириб юборди.

Сув тошқинлари оқибати

Хитойда сўнгги йигирма йил ичидаги энг йирик сув тошқинлари қузатилмоқда.

«Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, табиий офат Цзилин, Хэйлунцзян, Ляонин, Гирин ва Гуандун музофотларида қатта талафотларга сабаб бўлган. 43 киши ҳаётдан кўз юмган, қирққа яқин одам бедарак йўқолган. Шунингдек, 2,5 мингта уй вайронга айланган, 12,6 мингта тузароқ биноси жиддий зиён кўрган.



Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, тошқинлар мамлакат иқтисодиётига 1,16 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

Темир йўлдаги қўнғилсизлик

Ҳиндистоннинг Бихар штатида темир йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Гап шундаки, бир ерда темир йўлни кесиб ўтаётган йўловчилар гуруҳини тезорар поезди уриб кетди. Оқибатда 20 киши воқеа жойида ҳалок бўлди, яна 30 киши турли даражада тан жароҳати олди. Манбада айтилишича, Ҳиндистонда бундай темир йўл ҳодисалари тез-тез юз бериб туради. Мисол учун, ўтган йили ҳаракатланаятган йўловчи поездида келиб чиққан ёнғин натижасида 50 нафар одам қурбон бўлганди.

Меҳмонхонадаги фаройиб ҳодиса

Канаданинг Брантфорд шаҳрида жойлашган меҳмонхоналардан бирининг хонасидан 40 та бўлма илон топилди, дейилади «Евро-ныйос» телеканали хабарига.



Судралиб юривчиларнинг узунлиги ўртача 30 сантиметрдан бир метргача келади. Илонларни меҳмонхонага шу ерда тунаган эр-хотин ташлаб кетгани айтилган. Аммо уларнинг бундан кўзаланиш мақсади нима экани номаълум. Жониворлар табиати муҳофаза қилувчи ташкилотга топширилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АНЖУМАН

Бўстонлик туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчилари республика форуми бўлиб ўтди. Чимён қишлоғидаги «Камолот» оромгоҳида қарийб бир ҳафта давом этган мазкур тадбир «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шiori остида уюштирилди.

Етакчи ёшлар форуми

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларида Ҳаракатнинг 9 минг 665 та бошланғич ташкилоти ташкил бўлиб, улар 3,9 миллион нафарга яқин ўғил-қизни ўз атрофида бириштирилган. «Камолот»нинг эзгу мақсад ва вазифаларининг бекаму кўст амалга оширишида бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи ўрин туяётган. Бошланғич ташкилотлар бизнинг асл таянчимиздир, — дейди «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳамеджонов. — Шу боис улар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Халқ таълими вазири билан кўшма қарор ҳам қабул қилинганки, унда таълим муассасаларида сардорлар мавқеини ошириш, фаолиятида ўрнат қўрсатаётган етакчиларни рағбатлантириш каби бир қатор вазифалар белгилаб олинган. Масалан, худди шу мақсадда «Энг намуналий бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилиб, унда 8,5 мингга яқин етакчилар камраб олинди. Мазкур форум ана шу тадбирларнинг узвий давоми бўлиб, унда мам-

Навқирон авлод манфаатларини таъминлаш масъулияти

Юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш бўйича зарур шарт-шароитлар яратилган.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Айниқса, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг янгида шакллантирилгани, хусусан, соҳадаги муносабатларнинг Конституция, кодекслар, мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ қонунлари, Президентимизнинг 40 дан зиёд фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари ҳамда 60 дан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солингани Ўзбекистонда ушбу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор берилаяётганининг ёрқин ифодасидир. Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат

фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда шу хусусда сўз юритилиб, бунда ОАВнинг турган ўрни ва роли масалалари атрофича муҳокама қилинди. Жамоат фонди ҳамда ЮНИСЕФнинг «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш бўйича салоҳиятини ошириш» қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, марказий ва Тошкент вилояти босма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар қатнашди.

Қайд этилганидек, бугун юртимиз умумий аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилмоқда. Айни пайтда республикамизда фаолият юртяётган 9765 та умумтаълим мактаби, 4962 та мактабгача таълим муассасаси, шу билан бирга, кўплаб мусиқа ва санъат, спорт мактаблари, болалар марказлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим олишини энгил ва босқинча босқич таъминламоқда. Ушбу жараёни, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол авлод тарбиясини янада мустаҳкамлаш, «Обод турмуш йили» Давлат дастурини мазкур йўналишда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси ҳамда оилалар мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилаётган чора-тад-

бирлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тўғри ва ҳаққоний етказишда ОАВнинг ўрни ва роли беқийс.

Семинарда ОАВнинг бу борадаги фаоллигини кўчатириш, соҳа вақилларининг билим ва маҳоратларини ошириш, айниқса, журналистлар иктисослашувига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, ОАВда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган чиқишларни кўчатириш, мазкур муаммоларни таҳлил қилиш, маълумот манбалари билан ишлашда масъулиятли ёндашиш зарурати бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қизгин мунозарая жараёнида тадбир иштирокчиларига кюсак маънавиятли, етук ёш кадрларни тайёрлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини таъминлаш, баркамол авлод тарбиясида мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни турли ахборот жужурларидан, четдан кириб келаётган ёт гоьлар тасиридан асрашда ҳароқатлиқдаги илмий харақатларга эътибор қаратиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.

Реклама ва эълонлар

ЁАЖ «Ўзбек Лизинг Интернетшл А.О.» ҚҚ
лизинг компанияси

аввал «Раҳмонов То'uchiboy Раҳмонович» ФХга тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м.
- Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м.

Манзил:
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 132-уй.

Кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин.

Телефон: (+99871) 120-02-02.

Масъул шахс — Холтураев Сухроб.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси

моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда муудофаа иншоотларини капитал қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма малабга эга бўлишлари шарт.

Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 10.00 дан 18.00 га қадар мурожаат қилиш ёки тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 11 августдаги ЖСХ 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шодлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 352 кв.м. бўлган равон, айвон, ертўла, ошхона, омборхона, ҳожатхона ва бостирма биноларидан иборат 24-уй такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 267 866 100 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 6 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»-уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси ёқасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган қўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкый мажмуаси.
- Бухоро шаҳри «Отборзо» ҚФЙ худудида жойлашган, бир гектар майдонга эга иссиқхона.

Бошланғич баҳоси — 3 476 929 928 сўм.
Бошланғич баҳоси — 337 936 000 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 6 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шахрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2013 йил 7 майдаги 1-279-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сўғдиёна» МЧЖга қаралиш, Шахрисабз тумани, «Тўдамайдон» ҚФЙ, Суvsултон қишлоғида жойлашган, 1991 йилда қурилган, умумий майдони 1488 кв.м., фойдаланиш майдони 1379,84 кв.м. бўлган ёнма гишт пишириш цехи такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 337 936 000 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 6 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой (собиқ И. Абдуллаева) кўчаси, 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

Шўртан газ-кимё мажмуаси

жамоаси

Сиз, азиз юртдошларимизни халқимизнинг энг улуг айёми — Ўзбекистон Республикасининг

Мустақиллик куни

байрами муносабати билан қизгин муборакбод этади!



Барчангизни бахт ва омад, хонадонингизни осойишталик, кувончу шодлик асло тарк этмасин!

«ELIF TECHNIK» QK

ЖАМОАСИ

*барчани энг улуғ,
энг азиз байрам —
Мустақиллик куни билан
самимий табриклайди!*

*Улкан бунёдкорликлар ривож
йўлидаги меҳнатингизда
муваффақиятлар,
хонадонингизга
тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизга
файзу барака тилайди.*

2013 йил,
11-13
СЕНТЯБРЬ

«ЭкспоМарказ», Тошкент



TЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

VIII Марказий Осиё халқаро КЎРГАЗМАСИ

www.caitme.uz www.textileexpo.uz

ITE Uzbekistan
Тел.: (+99871) 113-01-80,
Факс: (+99871) 237-22-72,
E-mail: caitme@ite-uzbekistan.uz

facebook.com/ITEUzbekistan.uz

ufi Member
Guvohnoma № 3583

TURKISTON BANK

«Туркистон банк» ХОАТИБ

жамоаси

мамлакатимиз аҳлини, ҳамкорлари ҳамда мижозларини юртимиз Мустақиллигининг

22 йиллиги

байрами билан чин дилдан қутлайди!

*Эзу ниятлар ила Ватанимиз фаровонлиги йўлида
амалла ошираётган ишларингиз
юксак самаралар келтираверсин!
Байрамона кайфият замини ёр бўлсин!*

«MAXLAS» МЧЖ

боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган

Моторли пуркагични

таклиф этади.

Моторли пуркагич бир дақиқада 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.

Тўлов — исталган шаклда.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99895) 170-17-56,
(+99895) 177-17-56.
Факс: (8-371) 234-62-33.
E-mail: maxlas62@mail.ru

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.



Мезбонлар — Ғолиб

Навбахор туманида гандбол бўйича мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган республика турнири бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазири, Республика хисматли спорт тарбия ва спорт жамияти ҳамда Гандбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан гандболчи жамоалар иштирок этишди. Беллашувлар

1997 — 1999 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида ўтказилди. Финалда Тошкент шаҳри ва навоийлик спортчилар ўзаро куч синашдилар. Натижаларга қўра, мезбон вилоят вакиллари биринчи погонани эгаллади.

Спорт

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Тошхирлиди — 21.45 1 2 3 4 5